

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Қ.Йўлчиев Лирик шеърда сюжет ва топохронос	102
С.Эшонқулова Нодира лирикасининг бадиият олами асослари	108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши	113
З.Раҳимов, Ш.Искандарова Фарғона тилшунослик мактаби	116
Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир	123
М.Абдупаттоев Поэтик нутқни ўрганиш масалалари	128
З.Алимова Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши	133
Ш.Дадабоева Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари	138
Н.Якубова Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида	142
Л.Абдуллаева Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида	146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг моделлари	150
Г.Ҳамраева Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш усуллари	157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сирождидинов, Ж.Назирқулов Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш	163
М.Султонова Ўзбекистонда телетиббиёт тизимини ташкил этиш тизими модели ва ундаги муаммолар	167
Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўмонов, М.Акбарова Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш	171
И.Асқаров, М.Холматова Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби	175
Х.Муйдинов, Ж.Кодиров Қорамол тери ости бўкалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўкалар ҳашаротларининг учуш муддатлари	180
Ш.Усанов Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари	183
А.Эшниязова Ижодкор биографияси ва уруш фожияси	187
Т.Рузибоев Жудолик Навоий талқинида	191
Ш.Махмиджонов Руҳият қирраларининг бадиий талқинлари	195

УДК: 414+413+(042)

ЖУМБОҚЛИ МАТНЛАР ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА
ЭНИГМАТИЧЕСКИЕ ТЕКСТЫ КАК ОБЪЕКТ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ
ENIGMATIC TEXTS AS AN OBJECT OF LINGUISTIC RESEARCH

Якубова Нодирахон Давлатбой қизи¹

¹Якубова Нодирахон Давлатбой қизи – Қўқон давлат педагогика институти докторанти.

Аннотация

Мақола жумбоқли матнларни лингвистик тадқиқот объекти сифатида ўрганишга бағишланади. Энигматни топишга қаратилган бу турдаги матнлар ўзига хос ифода усуллари билан ажралиб туради. Жумбоқли матнларда денотатни аниқлашга йўналтирилган коннотатив структуралар, тасвирий воситалар ҳам алоҳида таҳлилга олинган.

Аннотация

Статья посвящена изучению загадочных текстов как объекта лингвистического исследования. Эти типы текстов, направленные на поиск загадки, отличаются особыми способами выражения. Отдельно анализируются коннотативные структуры и дескриптивные средства, направленные на определение денотации в загадочных текстах.

Annotation

This article is devoted to the study of enigmatic texts as an object of linguistic research. The setypesoftextsaimed at revealing enigmat are distinguished by their specific ways of usage. In the enigmatic texts, the descriptive aids and connotative structure aimed at identifying denotations, which are also the point of discussions.

Таянч сўз ва иборалар: матн, топишмоқ, чистон, кроссворд, метафора, денотатив маъно, коннотатив маъно.

Ключевые слова и выражения: текст, загадка, прибаутка, кроссворд, метафора, денотативное значение, коннотативное значение.

Keywords and expressions: text, riddle, humorous catchphrase, crossword, metaphor, denotative meaning, connotative meaning.

Кейинги пайтларда илм-фаннинг деярли барча соҳалари, жумладан, тилшуносликнинг тадқиқот майдони тобора кенгайиб бормоқда. Тилшуносликда тилнинг ички структураси, унинг шаклий ва мазмуний томонлари ўрганилган бўлса, ҳозирда соҳанинг янги йўналишлари пайдо бўла бошлади. Бундай янги соҳалар сафига лингвопоэтика, когнитив лингвистика, психоллингвистика, прагматлингвистика, социоллингвистика, лингвокультурология, матн тилшунослиги каби йўналишларни киргизиш ҳамда бу соҳалар тадқиқига эътиборнинг кўчайганлиги натижаси ўлароқ қатор ишларнинг юзага келганлигини эътироф этиш муҳимдир.

Бу борада, айниқса, матнга оид илм соҳасининг шаклланиши диққатга сазовордир. Бу йўналишда нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. В.Г.Адмони, Н.Г.Алефиренко, И.В.Арнольд, Н.С.Валгина, Е.А.Гончарова, Ю.М.Лотман, З.Я.Тураева, К.А.Филиппов, О.И.Москальская, Л.М.Лосева, В.В.Одинцов, И.Р.Гальперин, Л.А.Новиков, И.Расулов, А.Мамажонов,

М.Ҳакимов, М.Йўлдошев, Э.Қиличев, М.Абдупаттоев кабилар айнан матн лингвистикасининг тадқиқотчилари ҳисобланадилар. Улар матннинг семантик, грамматик, стилистик ва прагматик структураси тўғрисида тадқиқотлар олиб бордилар. Матншунослик масалаларига бағишланган ишларда дастлаб матн дефиницияси тўғрисида сўз боради. Шунинг учун ҳам у ёки бу матн қандай тузилади, матн бирликлари нима, уларнинг боғланиши ҳақидаги семантик ва грамматик хусусиятлар тадқиқ этилади.

Матн билан боғлиқ тадқиқотларнинг объект майдони турлича бўлиши мумкин. Бу, масалани қандай қўйишга боғлиқ. Агар матнларнинг услубий-функционал жиҳатлари ҳисобга олинса, уларга хос хусусиятлар ўрганилади. Мазкур мақолада жумбоқли матнларнинг ўзига хос хусусиятлари, белгиларини ўрганиш асосий объект қилиб олинган. Масалага кенгроқ ва лингвистик нуқтаи назардан қараш мақсадида “жумбоқли матн” терминини қўллашни лозим топдик. Сабаби, ҳар қандай мавзу текшириш объекти сифатида турли соҳаларга тааллуқли бўлиши

ТИЛШУНОСЛИК

мумкин. Жумладан, юқорида санаб ўтганларимиздан топишмоқ ва чистон адабиётшунослик ва фольклоршунослик соҳаларида ўрганилади, буни инкор қилиш мумкин эмас. Кроссворд билан боғлиқ масалалар эса тилшуносликда деярли ўрганилган эмас. Бу термин остига муайян жумбоқли ифодани ўзида бирлаштирган топишмоқларни, шеърий йўл билан ифодаланадиган жумбоқлар – чистонларни, бундан ташқари, жадвал ва диаграммалар кўринишидаги жумбоқлар, яъни кроссвордларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Топишмоқ, чистон ва кроссвордлар семантик структурасида ўзининг турли хусусиятлари билан матн сифатида шакллантирилади, буларнинг ҳар бирида жумбоқнинг мавжудлиги махсус матнга хос хусусиятлардир. Шу маънода “жумбоқли матн” термини тилшуносликда ўзига хос изланишни олиб боришга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Жумбоқли матнларнинг энг кўп тарқалган кўриниши топишмоқлар бўлиб, у фольклоршуносликда адабий жанр сифатида ўрганилади. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида С.Я.Сендерович, Э.Кёнгэс-Маранда, Р.Петш, А.Тейлор, Р.Джордж, А.Дандес, Т.Грин, В.Пепичелло, И.Хэмнетт, Ч.Скотт, Р.Д.Абрахамс кабилар топишмоқлар бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ҳар қандай тадқиқот тарихи ўзининг хронологияси билан муҳимдир. Тилшунослик фанлари негизида топишмоқларнинг ўрганилиши даври, асосан, XIX аср билан боғланади. Бу жанр ўрганилган давр бирмунча қисқа бўлса-да, биз уни иккита асосий: филологик (XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг 1-ярми) ва этнолингвистик ёки антропологик (XX асрнинг 2-ярмидан ҳозирги кунга қадар) босқичларга ажратишимиз мумкин. [6,40] Филологик жиҳатдан топишмоқларнинг илк бора ўрганилишини Аристотель номи билан ҳам боғлаш мумкин. Унингча, “Амалда топишмоқнинг моҳияти ҳақиқатан мавжуд бўлган нарса тўғрисида сўзлаш, шу билан бирга, бутунлай мумкин бўлмаган нарсаларни бирлаштиришдир. Бунга кўп қўлланиладиган сўзлар воситасида эришиб бўлмаса, метафоралар орқали мумкин, масалан: Қалқон билан инсонни олов-ла бириктирган, эрни кўрдим мен” ва шу кабилар. [1,45] Аристотелнинг сўз танлашдаги маҳорати шуни кўрсатадики, кам қўлланиладиган, яъни ноёб сўзлардан фойдаланиб, метафораларни ҳосил қилишимиз мумкин экан.

Этнолингвистикада ўрганилишича, топишмоқда муайян маданий ҳолатлар намоён бўлади. Топишмоқлар ва уларнинг жавоби аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган билимлардир[6,40]. Асосий эътибор эса топишмоқларни савол-жавоб кўринишида шакллантиришга, ундаги метафорага ва топилиши лозим бўлган денотатнинг қисқача тавсифига қаратилади. Денотат предмет ёки нарса ва ҳодисанинг ўзи. Масалан, “Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор” (Пиёз). Бундай матнларда “пиёз” денотатига ишора қилинади. Денотат инсон тасаввурида денотатив маъно билан намоён бўлади. Сўз маъносининг кўчиши эса пиёз таркибининг етти қават тўнга ўхшатилишидир. Инсон тасаввурида тўн иссиқ кийимнинг бир тури. Топишмоқда тўннинг ўраш семаси устуворлик қилади. Демак, топишмоқдаги денотатив маъно пиёзнинг қаватли тузилишини коннотатив структура билан ифодаланишидир. Метафора усули мана шунда кўзга ташланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида топишмоққа қуйидагича таъриф берилган: “Топишмоқ – топишмачоқ ўйинида топилиши керак бўлган нарса, ҳодиса ва шу кабиларнинг рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсифи, жумбоқдир”[9,48]. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида топишмоқлар шундай шарҳланади: “Халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қадимги ва оммавий жанри. Жаҳондаги барча халқлар фольклорида учрайди. Топишмоқларда халқ ҳаёти, турмуш даражаси, маданияти, урф-одатлари маълум даражада ўз ифодасини топади. Топишмоқда ечилиши мумкин бўлган сўроқ мажозий шаклда ифодаланиб, унинг маъноси яширинча бўлади. Топишмоқда нарса ёки ҳодиса бошқа нарса ёки ҳодисага ўхшатиш, ўзаро қиёслаш, таққослаш орқали гавдалантирилади. Топишмоқлар баъзан насрий, кўпинча шеърий шаклда, композицион ва ритмик жиҳатдан ихчам, содда ва оҳангдор бўлади. Масалан, “Бир парча патир, оламга татир” (Ой); “Оппоқ дастурхон ер юзини қоплаган” (Қор); “Паст осмондан қор ёғар” (Элак) кабилар турлича ифода ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Айрим топишмоқлар мақол хусусиятига ҳам эга бўлади. Масалан, “Ҳаммага тўн тикаман, ўзим яланғоч” (Игна). Топишмоқда метафора, ўхшатиш, сифатлаш ва такрор каби ифода воситаларидан кенг фойдаланилади: “Ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич” (Игна), “Ер тагида олтин қозиқ” (Сабзи), “Зилзил гилам, зил гилам, зилдан ҳам оғир гилам” (Ер) каби. Топишмоқлар айтиш асосан, болаларнинг сўз

бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини, идроки ва мулоҳаза қобилиятини кенгайтиришда тарбия воситаси ҳисобланади. Топишмоқлардан дoston ва эртақларда кенг фойдаланилади. “Ошиқ Ойдин”, “Ошиқ Алванд”, “Хирмон Дали”, “Ёзи билан Зебо”, “Алпомиш” ва бошқа дostonларда, “Подшо билан донишманд чол” эртагида топишмоқ намуналари бор. Топишмоқ билан боғлиқ масалалар фольклоршуносликда тадқиқ этилади”[10,158]. Ҳақиқатан ҳам, топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг нодир намунасидир. Уларда халқнинг руҳияти, маданияти, урф-одатлари каби хусусиятлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жумбоқ мотиви билан шакллантирилган ушбу матнларда лингвокультурологик хусусиятлар ҳам акс этади.

Бундай матнлар барча халқларда мавжуд, шу маънода ҳам авваламбор топишмоқлар асосида тузилган тўпламларга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Жумладан, инглиз адабиётидан А.Тейлорнинг 1951 йили нашр қилинган “Оғзаки нутқдаги инглиз топишмоқлари” (English riddles from Oral tradition), шунингдек, “Экстер китобининг англосаксон топишмоқлари” (Exeter Book); рус адабиётидан Д.Н.Садовниковнинг “Рус халқ топишмоқлари” (“Загадки русского народа”) (1876), М.А.Рыбникованинг “Топишмоқлар” (“Загадки”) (1931) ҳамда В.В.Митрофанованинг “Топишмоқлар” (“Загадки”) (1968) каби тўпламлари шу йўналишдаги манбаларнинг илк намуналари ҳисобланади. Ушбу тўпламларнинг аксарияти ўзига хос тематик тузилишга эга. А.Тейлорнинг ишларини тадқиқ қилар эканмиз, унда эътибор марказига топилиши керак бўлган денотат эмас, балки топишмоқнинг образли компонентларини қўйиш каби топишмоқлар тузишнинг ажойиб усулидан фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. А.Тейлорнинг топишмоқлари қуйидаги мавзулар бўйича ташкил этилган: comparisons to living creatures (тирик мавжудотлар билан қиёслаш), comparisons to an animal (ҳайвонга қиёслаш), comparisons to several animals (бир неча ҳайвонларга қиёслаш), comparisons to a person (инсонга қиёслаш), comparisons to several persons (бир неча хил инсонларга қиёслаш), comparisons to plants (ўсимликларга қиёслаш), comparisons to things (жонсиз предметларга қиёслаш), enumerations of comparisons (бир неча хил объектларга қиёслаш), enumerations in terms of form or form and function (бир неча хил объектлар билан

шаклига кўра ёки шакл ва вазифасига кўра қиёслаш) enumerations in terms of colour (ранг жиҳатдан бошқа объектлар билан солиштириш), enumerations in terms of acts (иш-ҳаракат жиҳатидан бошқа объектлар билан қиёслаш).[2.15] Топишмоқларни тематик гуруҳларга ажратиш, семантик ва прагматик жиҳатларини таҳлилга тортиш, жумбоқнинг асоси нимада эканлигини аниқлаш мазкур матнларнинг ўзига хос томонидир.

Бундан ташқари, Д.Н.Садовниковнинг “Рус халқ топишмоқлари” тўпламида қуйидаги мавзулардаги топишмоқларни учратиш мумкин: турар жой, ҳарорат ва ёруғлик, уй жиҳозлари, хўжалик буюмлари (маиший идиш-товоқлар), егулик ва ичимликлар, қўл меҳнати намуналари (бичиш, тикиш, тўқиш), кийимлар ва безак буюмлари, ҳовли ва боғ, уй ҳайвонлари, деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари, ҳайвонот дунёси (ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва ҳ.к.), одам ва унинг тузилиши, ер ва осмон, табиат ҳодисалари, вақт тўғрисидаги тушунчалар, ҳаёт ва ўлим, эътиқод, қадриятлар ва қоидалар, халқ донишмандлиги каби. Д.Н.Садовников яна шуни ҳам таъкидлаб ўтадики, топишмоқларни мавзулаштиришда тўплам бўлимларидан ўз ўрнини топа олмаганлари ҳам мавжуд. Шу сабабдан ҳам у ўз тўпламига яна иккита бўлимни ҳам қўшади: савол-жавоблар ҳамда ҳисоб ва топшириқлар.[5.48] Топишмоқларнинг бундай таснифи жуда ҳам зарур, лекин топишмоқларнинг бундан ҳам муҳимроқ лисоний жиҳатларига кириб бориш, денотатни аниқлашга йўналтирилган белгиларни қиёс асосида моҳиятини топиш муҳимдир.

Жумбоқ парадигмаси нафақат топишмоқларда, балки мумтоз адабиётда ҳам мавжуддир. Шу маънода, Шарқ шеърлятидаги ноёб лирик жанрлардан бири чистон ҳақида тўхталиб ўтиш, унинг синтактик, прагматик хусусиятларини таҳлил қилиш муҳимдир. Бу борада топишмоқлардаги “тағмаъно”[11.92] (подтекст) масалалари айнан прагматика соҳасига тааллуқли бўлиб, бошқа матнлардаги шундай маънолардан жиддий фарқланади. Айниқса, булар матннинг махсус типичанлигини илмий асослаш соҳанинг долзарблигини кўрсатади.

Бу жанр дастлаб халқ оғзаки ижодида шеърӣ савол-жавоб, топишмоқ шаклида пайдо бўлган. Чистонда нарса ёки ҳодисанинг характерли белгилари мажозий тавсифланиб, нима эканлигини топиш ўқувчига ҳавола этилади. Шу сабабдан чистон топишмоқ-шеър деб ҳам

ТИЛШУНОСЛИК

аталади. Чистонда нарсаларнинг номлари очик айтилмайди, балки уларга хос шакл, сифат ва хусусиятлар қайд этилади. Бу жиҳатдан улар топишмоқнинг ўзидир. Ўқувчи чистон мазмунидан келиб чиқиб, унда яширинган, номи пинҳон тутилган нарсани ўз зеҳни, идроки кучи билан топиб олади. Ўтмишда шоирлар чистон яратишда, асосан, икки усул — абжад ва оддий топишмоқдан фойдаланишган.

Чистонлар фард, байт, қитъа, рубойи ва қисман ғазал шаклида ёзилади, икки байтдан ўн байтгача, ҳатто ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Улар ўзига хос маърифий, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлади.

Ўзбек адабиётида чистоннинг дастлабки намуналарини Алишер Навоий яратган (мас: “Қалам”, “Танга”, “Миқроз”, “Юмуртқа” ва бошқа чистонлар). Шавкат Каттақўрғонийнинг “Самандар қуш”, Увайсийнинг “Анор”, “Ёнғоқ” чистонлари машхур. Кўрсатиб ўтилган барча белги-хусусиятлар топишмоқ ва чистонларнинг фольклор ёки адабиётшунослик нуқтаи назардан талқинидир. Лингвистик жиҳатдан эса топишмоқ ва чистонлар, яъни жумбоқли матнлар матннинг ўзига хос тури ҳисобланади. Бундай матнларда нарса, предмет ва ҳодисанинг номи имплицитлик мақомига эга бўлади. Асосий ном унинг хусусиятлари асосида баён қилинади. Бундай матнлар бошқа матнлардан яширин ифода имкониятларига эга эканлиги билан фарқланади.

Юқорида санаб ўтилгани каби жумбоқли матнларнинг барчаси ўзида муайян халқ маданиятининг ўзига хосликларини акс эттиргани учун ҳам уларнинг аҳамиятини баҳолаш бирмунча мушкул вазифа. Бу эса бошқа янги тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ҳам бўлиши мумкин. Жумбоқли ифодалар

матннинг махсус типи сифатида ўрганилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, филологияда жумбоқли матнлар, хусусан, топишмоқларни турли аспектларда тадқиқ этиш ривожланиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, унинг асосий қисмини турли типларга ажратиш мумкин бўлган савол қисми, яъни жумбоқли қисми ташкил этади. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, топишмоқлар ўз таркибига образли ва бевосита компонентларни қамраб олади, гоҳида уларнинг фақат биттасигина иштирок этади. Табиийки, образли компонент метафора, қиёслаш ва метонимия каби кўчимларни ўз ичига жамлаган бўлади. Бундан ташқари, топишмоқлар таркибидан унинг жавобини бирмунча мураккаблаштирувчи ҳамда қизиқишни орттирувчи бошқа воситалардан ҳам фойдаланилади.

Топишмоқларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларни инобатга олиб, шуни айтиш мумкинки, уларни ўзлари тегишли бўлган миллий маданият контекстида ўрганиш зарурдир. Асосий эътибор топишмоқларнинг семантик тузилиши ва образли компонентларига алоқадор прагматик хусусиятларини ўрганишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тўғри жавобни топиш учун керакли шароит ҳам яратилиши лозим. Бугунги кунда замонавий тилшунослик назарияси топишмоқни ўзида муайян маданиятга хос бўлган ахборотни жамловчи, маданий-когнитив хусусиятларга эга бўлган белги сифатида ўрганилишини тақозо этмоқда. Жумбоқли матнлар—муайян халқ маданиятининг бир бўлагидирки, уни айнан ушбу маданият фонида таҳлил этиш лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Аристотель. Поэтика. (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т., 1990.
2. A.Taylor. English Riddles from Oral Tradition. Berkley; –Los Angeles, 1951.
3. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М: Наука, 1981.
4. Лосева Л.М. Как строится текст. – М: Просвещение, 1980.
5. Садовников Д. Н. Загадки русского народа : сб. загадок, вопросов, притч и задач. – Санкт-Петербург, 1876.
6. Сендерович С. Я. Морфология загадки. –Языки славянской культуры. – М. 2008.
7. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х.“Ўзбек тили стилистикаси”. – Т., 1983.
8. Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 2014.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. – Т.:
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т-ҳарфи. Биринчи жилд. – Т.: 2000 йил.
11. Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари.– Т.: Akademnashr, 2013.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).